

Сенга дўзах очилар эди



08:00 / 18.01.2021 1761

Абу Масъуд Бадрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Бир хизматкоримни қамчи билан урар эдим. Ортимдан «Огоҳ бўл, Абу Масъуд!» деган овоз эшитдим. Ҳазабланганимдан овозни танимабман. Яқинлашгач, билдимки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эканлар. У зот: «Огоҳ бўл, эй Абу Масъуд! Сен бу хизматкордан кучли бўлсанг, Аллоҳ сендан кучли», дедилар. Мен шу заҳоти: «Бундан кейин қулни умуман урмайман», дедим.

Бир ривоятда: «У зотдан кўрқиб, қамчим қўлимдан тушиб кетди», деб келтирилган.

Яна бир ривоятда шундай дейилган: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ розилиги учун у озод», дедим. У зот шундай дедилар: «Агар бундай қилмаганингда сенга дўзах очилган бўлар эди (ёки сенга дўзах (олови) теккан бўлар эди)».

Имом Муслим ривоят қилган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан